




KUNCEKOV F.


“Kafolat Hayot” СК МЧЖ
Ягона иштирокчисининг
2021 йил 17 декабрдаги 3 -сонли
карори билан тасдиқланган



Ингилаш раиси
С.Ибрагимов

“Kafolat Hayot Insurance” акциядорлик жамияти

УСТАВИ (янги таҳрир)

Тошкент шаҳри

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1 Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қофозлар бозори тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа конун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.
- 1.2 Бундан буён матнда “жамият” деб аталувчи “Kafolat Hayot Insurance” акциядорлик жамияти муқаддам Миробод туман давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 17 июлда 622976-сон билан “Kafolat Hayot” суғурта компанияси масъулияти чекланган жамияти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.
- 1.3 Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қофозлар бозори тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳукукий хужжатларга ҳамда мазкур уставга мувофик амалга оширади.
- 1.4 Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:
Ўзбек тилида:
 - лотин ёзувида: “Kafolat Hayot Insurance” aksiyadorlik jamiyati;
 - кирилл ёзувида: “Kafolat Hayot Insurance” акциядорлик жамияти;
 - Рус тилида: Акционерное общество “Kafolat Hayot Insurance”;
 - Инглиз тилида: “Kafolat Hayot Insurance” Joint-Stock Company.
- 1.5 Жамиятнинг қисқартирилган номи:
Ўзбек тилида:
 - лотин ёзувида: “Kafolat Hayot Insurance” AJ;
 - кирилл ёзувида: “Kafolat Hayot Insurance” АЖ;
 - Рус тилида: АО “Kafolat Hayot Insurance”;
 - Инглиз тилида: “Kafolat Hayot Insurance” JSC.
- 1.6 Жамиятнинг манзили:
 - жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 13-13A уй.
 - почта манзили: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 13-13A уй.
 - Жамиятнинг электрон почта манзили: info@kafolathayot.uz
 - Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.kafolathayot.uz

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУКИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

- 2.1 Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида хисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
- 2.2 Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.
- 2.3 Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк хисобвараклари очишга ҳаклиdir.
- 2.4 Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган жойи кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

- 2.5 Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига хамда фуқаролик мумаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий алломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.
- 2.6 Жамият ташкилий тузилмалари қўйидагилардир:
- Ягона акциядор;
 - Кузатув кенгаши;
 - Ижроия органи (Бошқарув);
 - Жамиятнинг Қорақолпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шахридаги филиаллари.
- 2.7 Жамият ўз филиаллари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлади.
- 2.8 Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.
- 2.9 Ягона акциядор жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлик заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.
- 2.10 Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган ягона акциядор жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.
- 2.11 Жамият ўз ягона акциядорининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
- 2.12 Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар, шўъба корхоналари очишга ҳақли. Филиал жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир. Жамият қонун хужжатларига мувофиқ шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.
- 2.13 Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари талаабларига мувофиқ бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишига ёки уларнинг устав капиталида бошқача тарзда иштирок этишга ҳақли.
- 2.14 Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш хукукига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш хукукига ушбу уставида бу хукук назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.
- 2.15 Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш хукукига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу хукуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб хисобланади.
- 2.16 Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

- 3.1 Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий йўналиши сугурта бозори профессионал иштирокчиси сифатида сугуртани амалга оширишdir. Жамият фаолиятининг мақсади мижозларга сифатли хизмат кўратиш ҳамда молиявий-

хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

- 3.2 Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (резидент ва норезидентларга, кейинги матнларда “мижоз”) ҳаётини суғурта қилиш тармоғида суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. Булардан ташқари Жамият иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга илғор технологиялар, илм-фан ютуқларини жорий қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини юкори сифатли хизматларга бўлган мавжуд эҳтиёжни янада тўлиқ кондириш, қўшимча иш ўринларини яратиш, меҳнат жамоаси аъзолари ва Жамиятнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий манфаатларини кондиришни ҳам амалга оширади.
- 3.3 Жамият фаолиятининг асосий турлари ва йўналишлари Суғурта фаолияти (ҳаётни суғурта қилиш тармоғи ва умумий суғурта тармоғининг 1 ва 2-класлари бўйича) ва суғурта билан боғлиқ фаолият турларидан иборат.
- 3.4 Жамият фаолиятининг асосий турлари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:
- мижозларга суғурталаш соҳасида хизматлар кўрсатиш;
 - тегишли суғурта маҳсулотларини тақдим қилиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ахолисининг кенг қатламларини ижтимоий ҳимояси воситаларини ривожлантириш;
 - ҳаётни ва соғлиқни суғурталаш йўлларини ривожлантириш мақсадида суғурталашнинг ҳалқаро стандартларини иш жараёнига босқичма-босқич тадбик қилиш;
 - маҳаллий ва чет элдаги турдош давлат ва хусусий суғурта ташкилотлари (ҳаёт суғуртаси ва қайта суғурта компаниялари) билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ҳалқаро қонунчилик доирасида суғурта хизматларини амалга ошириш.
- 3.5 Жамият асосий вазифаларни амалга ошириш учун қуйидагиларни бажаради:
- олинган лицензияга мувофиқ суғурта фаолиятини амалга ошириш;
 - асосий ва инвестицион фаолиятларнинг актуар текширувдан ўтказилишини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш;
 - қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишни амалга ошириш;
 - суғурта қопламаси, суғурта таъминоти ва суғурта пулини тўлашни амалга ошириш;
 - суғурта ҳодисаларини келиб чиқиши ҳолатларини олдини олувчи огоҳлантириш чора-тадбирларини қонунчиликда белгиланган тартибда бажариш;
 - амалдаги қонучиликка асосан инвестиция фаолиятини амалга ошириш;
 - суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;
 - Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ишларни амалга ошириш ва хизматларни кўрсатиш.
- 3.6 Жамият ўз мақсадларини бажариш учун қонун хужжатларига зид бўлмаган барча фаолиятни амалга оширишга хакли.
- 3.7 Фаолиятни амалга ошириш учун маҳсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари, тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

- 4.1 Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.
- 4.2 Жамиятнинг устав капитали 25 000 000 000 (йигирма беш миллиард) сўмни ташкил

қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 25 000 000 (йигирма беш миллион) дона оддий акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

- 4.3 Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
- 4.4 Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.
- 4.5 Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон килинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 75 000 000 (етмиш беш миллион) дона оддий акциялардан иборат.
- 4.6 Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.
- 4.7 Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.
- 4.8 Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳакидаги қарорлар жамиятнинг ягона акциядори қарори билан қабул қилинади.
- 4.9 Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳаки пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган ягона акциядор ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш хуқуқига эга.
- 4.10 Имтиёзли хуқуқни кўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳакидаги қарор ягона акциядорнинг қарори билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.
- 4.11 Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.
- 4.12 Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдо ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.
- 4.13 Жамиятнинг устав капитали кўпайтираётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳакини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.
- 4.14 Соликқа оид ёки давлат олдидағи бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият ягона акциядорнинг қарори билан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

- 4.15 Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини кисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

- 4.16 Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун хужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.
- 4.17 Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда ягона акциядор қарорида устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1 Жамиятнинг акциядори қуидаги ҳуқуқларга эга:
- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
 - депо ҳисобварагидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;
 - жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
 - ягона акциядор қарори орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
 - жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - қимматли когозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини химоя қилиш;
 - ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошка нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
 - қимматли қоғозларни олишда заар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлик таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.
- 5.2 Акциядор қонун хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 5.3 Акциядор томонидан ҳуқукларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.
- 5.4 Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.
- 5.5 Акциядор мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.
- 5.6 Жамият акциядори қуидаги мажбуриятларга эга:
- Жамиятнинг Устав қоидаларига ва Уставда кўрсатилган тартибда, миқдорда ва усулда ҳисса қўшиш (акция ҳақини тўлаш);
 - Жамият фаолияти тўғрисидаги маҳфий маълумотларни ташкил қилувчи сирларни фош қилмаслик;
 - Маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йули билан жамият Бошқаруви раиси фаолиятига тўскинлик қилмаслиги лозим;
 - Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳакида жамиятни, унинг акцияларга бўлган ҳуқукларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳакидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, жамият, Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиси

бунинг оқибатида акциядорга етказилган заарар учун жавобгар бўлмайди.

- 5.7 Акциядор мазкур уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

- 6.1 Жамият ўзининг акциялари оддий, шунингдек имтиёзли акциялар чиқариш хукуқига эга бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади.
- 6.2 Акцияларга эгалик хукуки депо-хисоб варагидан кўчирма билан тасдиқланади. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида коладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.
- 6.3 Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорнинг дивидендларни олишга бўлган teng хукуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.
- 6.4 Дивиденд акциядорнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли коғозлари билан тўланиши мумкин.
- 6.5 Дивиденд акциядорга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равища тақсимланади.
- 6.6 Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
- 6.7 Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида ягона акциядор томонидан қабул килинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул килинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

VII. ДАРОМАДНИ (ФОЙДАНИ), ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

- 7.1 Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.
- 7.2 Жамият ягона акциядори қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.
- 7.3 Дивиденд акциядорга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равища тақсимланади.
- 7.4 Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳакли.
- 7.5 Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.
- 7.6 Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида ягона акциядор томонидан қабул килинади.
- 7.7 Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда, дивиденднинг миқдори, дивидендни тўлаш шакли ва тартиби ҳамда уни тўлаш муддати, яъни тўлаш бошланадиган ва тугайдиган

саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

- 7.8 Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.
- 7.9 Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорнинг дивидендларни олишга бўлган ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.
- 7.10 Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.
- 7.11 Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби ягона акциядор томонидан қабул қилинган қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.
- 7.12 Жамият:
 - агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
 - агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳакли эмас;
 - ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорга тўлаши шарт.
- 7.13 Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган соликларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни кимматли коғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида конун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ СУҒУРТА ЗАХИРАЛАРИ ВА ЗАХИРА ФОНДИ

- 8.1 Жамиятнинг суғурта захиралари:

- Жамиятнинг суғурта захиралари олинган суғурта мукофотларидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ҳамда шартлар билан ҳосил қилинади;
- Суғурта захиралари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун мўлжалланган;
- Жамият ҳосил қилган суғурта захиралари мусодара қилинмайди.

- 8.2 Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда ягона акциядор қарорида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.
- 8.3 Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.
- 8.4 Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказади.
- 8.5 Захира фонди тўлалигича ёки кисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

9.1 Жамият бошқарув органлари:

- Жамиятнинг ягона акциядори
- Кузатув кенгashi
- Ижроия органи (Бошқарув раиси).

X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

10.1 Ягона акциядор жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

10.2 Жамиятда умумий йигилиш ўтказилмайди.

10.3 Жамият ягона акциядори томонидан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритиладиган масалалар бўйича қарорлар якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма равишда расмийлаштирилади.

10.4 Жамият ҳар йили ягона акциядор муҳокамасига жамият фаолиятига таалукли масалаларни киритиши шарт.

10.5 Ягона акциядорнинг йиллик муҳокамаси молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

10.6 Жамият ягона акциядорининг навбатдаги (йиллик) муҳокамаси ҳар йили июнь ойининг охирги шанбасидан кечиктирмаган муддатда ўтказилади.

10.7 Ягона акциядорнинг навбатдаги (йиллик) муҳокамасида қўйидаги масалалар кўрилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;
- тафтиш комиссиясини (Тафтищини) сайлаш;
- Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисбот;
- Кузатув кенгashi ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари;
- фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтищисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтищисининг) хулосаларини эшлиши.

10.8 Йигилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

10.9 Ягона акциядор ваколати доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

- устав капиталини камайтириш;
- жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамиятнинг ижроия органи раҳбарини (Бошқарув раисини) сайлаш (тайинлаш);
- тафтишчини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшлиш;
- имтиёзли ҳуқукни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда йирик битим ва жамият афилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун хужжатларига мувофик баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустакил ташкилоти аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;
- Мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг “Кузатув кенгashi тўғрисида”ги, “Ички назорат тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги, “Бошқарув ва назорат органини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги, “Жамият ягона акциядори томонидан қарорларни қабул қилиш тўғрисида”ги, “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги ва “Тафтишчи тўғрисида”ги низомларини тасдиқлаш;
- мустакил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- қонун хужжатларига мувофик бошқа масалаларни ҳал этиш.

- 10.10 Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларинг хукуларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу устав билан Жамият ягона акциядори ваколатига киритилган масалалар бўйича карорлар Жамият ягона акциядори томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.
- 10.11 Жамият ягона акциядорининг қарор қабул қилиш тартиби, Жамият ягона акциядори томонидан тасдиқланган “Жамият ягона акциядорининг қарор қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

- 11.1 Жамият кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Жамият ягона акциядори ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.
- 11.2 Жамият кузатув кенгашининг аъзолари Жамият ягона акциядорининг қарори билан бир йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 3 кишидан иборат.
- 11.3 Жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.
- 11.4 Жамият Ижро органи, Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.
- 11.5 Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.
- 11.6 Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:
- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисботини мунтазам равишда эшлиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
 - Ягона акциядор муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлаш;
 - Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбохисида назарда тутилган масалаларни ягона акциядор муҳакамасига ҳал қилиши учун киритиш;
 - жамият бошқарув аъзоларини (бошқарув раисидан ташқари) сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
 - ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар микдорини белгилаш;
 - корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
 - жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;
 - ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшлиб бориш;
 - жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувани, шу жумладан халқаро стандартларга мувофик тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофик аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;
- аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);
- Конунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлик ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қофозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- қимматли қофозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гурухлари) ташкил этиш;
- Жамиятнинг Инвестиция фаолияти тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди;
- конун ҳужжатларига мувофик бошқа масалаларни ҳал этиш.

- 11.7 Жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.
- 11.8 Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисбланди.
- 11.9 Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан

кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

- 11.10 Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, ижроия органи раҳбари (Бошқарув раиси) билан меҳнат шартномасини имзолайди.
- 11.11 Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.
- 11.12 Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чакирилади ва ўтказилади.
- 11.13 Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, ижроия органи талабига кўра чакирилади.
- 11.14 Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият Кузатув кенгашининг карори Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида конуний хисобланади.
- 11.15 Кузатув кенгашининг мажлисида карорлар, агар конунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари teng бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи хисобланади
- 11.16 Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари карор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.
- 11.17 Баланс қиймати ёки олдин қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларининг овози инобатга олинмайди.
- 11.18 Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:
 - мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
 - мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
 - мажлиснинг кун тартиби;
 - овоз беришга кўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
 - қабул қилинган карорлар.
- 11.19 Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.
- 11.20 Жамият Кузатув кенгашининг карорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.
- 11.21 Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг

ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Жамият Ягона акциядорига масала киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда мазкур қарор ҳақида ахборот Жамиятнинг ижро органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

- 11.22 Жамият ягона акциядори қарорига кўра Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариш билан боғлик харажатларининг ўрни қолланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг микдорлари Жамият ягона акциядорининг қарорида белгиланади.
- 11.23 Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.
- 11.24 Жамият кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядори олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.
- 11.25 Жамиятга зарап етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга карши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.
- 11.26 Кузатув кенгаши мазкур Устав ва Жамият ягона акциядори томонидан тасдиқланадиган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради.

XII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

- 12.1 Жамиятнинг жорий фаолияти устидан раҳбарлик коллегиал ижроия органи (Бошқарув) томонидан амалга оширилади. Жамият бошқаруви 5 (беш) кишидан иборатdir. Бошқарув ишига бошқарув раиси раҳбарлик қиласи.
- 12.2 Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш, чет эллик мутахассислар иштирок этиши имконияти бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.
- 12.3 Жамият Бошқаруви ушбу Уставга ҳамда ягона акциядор томонидан тасдиқланган компания ижроия органи (Бошқарув) тўғрисидаги Низомга мувофиқ иш олиб боради.
- 12.4 Жамият ижроия органи (Бошқарув) ягона акциядор ва компания кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини ташкил этади.
- 12.5 Жамият ижроия органининг (Бошқарувининг) ваколат доирасига компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Жамият ягона акциядори ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.
- 12.6 Жамият ижроия органи (Бошқарув) тўғрисидаги Низомга мувофиқ Бошқарув раиси бошчилигидаги Бошқарув ўз ҳатти-харакатлари учун ягона акциядор ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши олдида жавоб беради.
- 12.7 Бошқарув раиси Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва Жамият кундалик фаолиятини бошқаради ҳамда оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Жамият ягона акциядори ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.
- 12.8 Бошқарув раиси Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.
- 12.9 Бошқарув раиси белгилangan тартибда Жамият ягона акциядор қарорига асосан лавозимга бир йил муддатга тайинланади. У билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

12.10 Бошқарув раиси ваколатига қуидагилар киради:

- Мазкур Устав ва Ягона акциядор томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофик Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Ягона акциядор қарорларининг ижро этилишини ташкил этиш;
- Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш;
- Жамият Бошқаруви раиси ўринбосарлари ҳамда Бош ҳисобчини тайинлаш;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- Ишчи ва ходимларга иш ҳаки, мукофотлар, тақдирлаш ва устама мікдорини белгилаш. Бошқарув аппарати ва Жамиятнинг таркибий тузилмалари ходимларининг штат жадвалларини, келгусидаги харажатларини тасдиқлайди, ходимларга, шу жумладан Жамият филиаллари директорлари мөхнатига ҳак тұлаш, уларни мукофотлаш ва тақдирлаш тұғрисидаги Низомни, Бошқарув аппарати ходимлары ва филиаллар директорлари ҳамда бош бухгалтерларнинг лавозим мөхнат ҳақынан тасдиқлайди;
- ходимлар мансаб йўрикномаларини тасдиқлаш;
- Жамият томонидан мол-мulkни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мulkни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича карор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мulkнинг ёки олинаётган мол-мulkнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тұғрисидаги карор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соғ активлари мікдорининг 15 фоизигача ташкил этса, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнда тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қофозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;
- Жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш;
- мазкур Устав ва ягона акциядор томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофик Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Жамият номидан битимлар тузиши;
- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиши;
- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан мөхнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан мөхнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- Жамият ягона акциядори ва кузатув кенгashi қарорларининг бажарилишини ташкил этиши;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;
- қонун ҳужжатларига мувофик Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- йиллик хисоботлар ва бошқа молиявий хисоботлар тегишли органларга ўз вактида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тұғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
 - Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;
 - Жамиятда инвестиция фаолиятини ўртантылган Қонунчилик талаблари асосида амалга ошириш;
 - Ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам күрсатиш (олиш) тұғрисида қарорларни кабул килиш. Бунда бир календар йилида 300 000 000,00 сүмдан ошмаслиги керак;
 - амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.
- 12.11 Бошқарув раиси ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини күзлаб иш тутиши лозим. У қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг ягона акциядори олдида жавобгардир.
- 12.12 Бошқарув раиси мазкур Устав ва Жамият ягона акциядори томонидан тасдиқланған “Ижроия органды тұғрисида” ги низом асосида иш олиб боради.

XIII. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

- 13.1 Жамиятнинг молия-хұжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамият ягона акциядори қарори билан тафтишчи бир йил муддатга сайланади.
- 13.2 Тафтищининг талабига биноан Бошқарув раиси молия-хұжалик фаолияти тұғрисидаги ҳужжатларни тафтишчига тақдим этиши шарт.
- 13.3 Тафтишчи бир вактнинг ўзида кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллаши мумкин эмас. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтишчилигига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.
- 13.4 Жамиятнинг молия-хұжалик фаолиятини текшириш тафтищининг, ягона акциядорнинг, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якуплари бўйича амалга оширилади.
- 13.5 Жамиятнинг молия-хұжалик фаолиятини текшириш якупларига кўра жамиятнинг тафтишчиси хulosasi тузади, бу хulosada:
- жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида күрсатылған маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
 - бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий хисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хұжалик фаолияти амалга оширилаётганданда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тұғрисидаги ахборот күрсатилиши шарт.
- 13.6 Тафтищининг хulosasi мазмунига кўшимча талаблар ягона акциядор қарори билан белгиланади.
- 13.7 Тафтишчи жамиятда аффилланған шахслар билан тузилған битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тұғрисидаги хulosani ҳар чоракда кузатув кенгашининг мажлисида ва ягона акциядорнинг йиллик мухокамасида эшитилади.
- 13.8 Тафтишчи мазкур Устав ва Жамият ягона акциядори томонидан тасдиқланадиган

“Жамият тафтишчиси тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради ва уларга белгиланган тартибда мукофот пули тўланади.

- 13.9 Жамият активларининг баланс қиймати базавий хисоблаш микдорининг юз минг баробарини ташкил этса ва (ёки) ошса Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига хисобдор бўлади.
- 13.10 Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан конун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартибтаомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.
- 13.11 Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фойздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўtkазилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.
- 13.12 Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.
- 13.13 Жамиятда кузатув кенгашига хисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.
- 13.14 Жамият корпоратив маслаҳатчининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

XIV. ЖАМИЯТ ФИЛИАЛЛАРИ

- 14.1 Жамиятнинг Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар филиалларига Жамият Бошқаруви раиси тайинлайдиган директорлар раҳбарлик киласидар.
- 14.2 Филиал директорлари Жамият номидан Бошқарув раиси томонидан берилган ишончнома асосида иш фаолиятини юритадилар.
- 14.3 Филиаллар Жамият кузатув кенгаши тасдиқлаган “Филиаллар тўғрисида”ги Низом асосида ишлайди. Шунингдек думалоқ муҳрига, бурчак штампига, банкларда Жамиятга тегишли иккиласми банк ва валюта хисобваракларига эга бўлади.
- 14.4 Филал ходимларининг лавозим меҳнат ҳаки, устамалар ва мукофтилаш, тақдирлаш тўғрисидаги Низомни Жамият Бошқарув раиси тасдиқлайди.
- 14.5 Жамият филиали:
 - Жамият Бошқаруви тасдиқлаган меъёрий ҳужжатларда белгиланган микдорда суғурта пулинини кирим қиласи;
 - Жамият Бошқаруви белгилаган лимитлар доирасида суғурта турлари операцияларини амалга оширади;
 - Жамият Бошқаруви филиалга юклаган вазифа ва функцияларни бажаради;

- Жамият Бошқаруви томонидан ойлик, чораклик, ярим йиллик ўрнатилган режа қўрсаткичларини бажарилишини таъминлайди.
- 14.6 Жамият ўзи ташкил қилган таркибий тузилмаларни мол-мулк билан таъминлайди.

XV. МОЛИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

- 15.1 Жамият Ўзбекистон республикаси қонунлари ва меъёрий хужжатларига мувофиқ ва тартибда ўз фаолияти бухгалтерия ҳисоб-китобини ҳамда стратегик ҳисботни юритади ва молиявий ҳисбот тақдим этади.
- 15.2 Жамият учун молия йили 1 январдан 31 декабргача белгиланади.
- 15.3 Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисбот ва бошка молиявий ҳисботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вактида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органинг зиммасида бўлади.
- 15.4 Ягона акциядорга тақдим этилган Жамиятнинг йиллик ҳисботи, бухгалтерия баланси, фойда ва заарлар ҳисобварагидаги маълумотларни тўғри эканлиги жамиятнинг тафтишчиси томонидан тасдиқланган бўлиши керак.
- 15.5 Жамиятнинг молиявий ҳисботида кўрсатилган ва ягона акциядорга тақдим этиладиган молиявий ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисобварагидаги маълумотнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан бофик бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.
- 15.6 Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари, қарор қабул қилган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳамда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш чоғидаги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар Жамият йиллик ҳисботининг бир кисмидир.

XVI. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби:

- 16.1 Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб олиш, қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) ягона акциядор қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун хужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.
- Жамиятни тугатиш тартиби
- 16.2 Жамиятни тугатиш ягона акциядор қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун хужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади. Жамиятни тугатиш унинг ҳукуқ, ва мажбуриятлари ҳукукий ворислик тартибида бошка шахсларга утмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тухтатилишига олиб келади.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 17.1 Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

- 17.2 Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан хал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали хал қилинади.
- 17.3 Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар конун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вактдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

“Kafolat Hayot Insurance”
жамияти Бошқарув радио



Ф.Каримов